

ТАРИХИЙ-МАЪДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ БОРАСИДАГИ МУАММОЛАРИ

Эшмурадов А.Э.- катта ўқитувчи., Рахимов У.- магистрант (СамДАҚИ).

Республикамизда мавжуд бўлган тарихий, маъданий ёдгорликларнинг кўплиги билан дунёда етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ушбу тарихий-маданий ёдгорликларнинг мустақилликгача бўлган давр мобайнида жудаям аянчли аҳволда эди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан эътиборан Республика Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан мамлакатимиздаги тарихий-маданий ёдгорликларни илмий ўрганиб чиқиш ва шу асосда ушбу объектлар ва улар эгаллаган ер майдонларини аниқлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Республика Президенти томонидан бир қатор қарорлар, шу жумладан “Маъданий объектларни кўриқлаш ва улардан фойдаланиш “тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Бундан ташқари буюк алломаларнинг, яъни Мирзо Улуғбекнинг (1994 йил) 600 йиллиги; Амир Темурнинг (1996 йил) 660 йиллиги; Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Хўжа Аҳрори валий каби кўп алломаларнинг юбилейлари ўтказилди. Шу муносабат билан барча вилоятлардаги тарихий-маъданий ёдгорликлар ўрганиб чиқилди ва улар таъмирланиб ўз ҳолига келтирилмоқда. Биргина Самарқанд шаҳри мисолида кўрадиган бўлсак Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида 100 дан ортиқ кадамжолар мавжудлиги аниқланди. Мустақилликка эришгандан кейинги тарихий-маъданий ёдгорликлар атрофи ҳар томонлама очиб ташланди ва ўзининг илгариги сатҳига келтирилди ва келтирилмоқда. Давлат ахамиятига эга бўлган тарихий-маъданий ёдгорликларни ўрганиш ва сақлаш, халқ маъданий меросини, унинг ҳаёт тарзини кўрсата билиш энг муҳим вазифалардан биридир. Меъморий ёдгорликларнинг компьютерлаштирилган маълумотлар банки аввало техникавий, дастурий ва ахборот таъминлаш тизимини ўзида ифодалайди, чунки тегишли дастурлар, маълумотлар тизими ва техникавий воситаларга эга бўлинмаса, ахборотни қайта ишлаш, жамлаш, сақлаш ва бошқа зарур муолажаларни амалга ошириш шарт.

Тарихий-маъданий ёдгорликларни бир неча босқичларга бўлиниб бажарилади:

-Ўзбекистон тарихий-маъданий меросини ўрганиш асосида, ёдгорликлар кадастри учун тадқиқотлар дастури ишлаб чиқилди, кадастр яратишда жаҳон андозалари савиясидаги талаблар қўйилди ва уни тузиш тартиби, мақсади аниқланди;

-Ишни бажариш жараёнида объектларни рўйхатга олишнинг қуйидаги уч поғонали тавсифи тамомила аниқланади:

1) ёдгорликлар ва янги топилган шаҳарсозлик ҳамда архитектура объектларини рўйхатга олиш учун уларнинг тавсифи;

2) рўйхатга олинган ёдгорликлар ва янги топилган объектларнинг умумий таърифи;

3) жаҳон ахамиятига эга нодир объектларнинг батафсил тавсифи.

Самарқанд шаҳрининг умумий майдони 15,6 минг гектарни ташкил этган бўлса, биргина Афросиёб музей ёдгорликлари майдони 12,6га ни ташкил этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд шаҳридаги тарихий-маъданий ёдгорликлар эгаллаган ер участкалари ва уларнинг муҳофаза зоналари белгиланиши, шу билан биргаликда ушбу тарихий-маъданий ёдгорликларнинг атрофи бутунлай тубдан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шундан келиб чиқиб ушбу тарихий-маъданий ёдгорликлар биноларининг ишчи чизмалари мавжуд бўлиб, баъзилари эса талаб даражасида эмаслигини учратиш мумкин. Тарихий-маъданий ёдгорликлар эгаллаган ер майдонларини кадастр маълумотларини тўплаш, чегараларини белгилаш, бундан ташқари ушбу ер ва бино - иншоотларининг ҳуқуқийлигини таъминлашдан иборат ҳисобланади, бу борада ушбу тарихий-маъданий ёдгорликлар эгаллаган ва унинг атрофидаги ер майдонининг бугунги кундаги ҳолати бўйича топографик плани, унда йўллар, йўлаклар, ободонлаштириш майдонлари, манзарали дарахтлар ўрни, мавжуд кўп йиллик дарахтлар ўрни ва ёши ҳақидаги маълумотлар, ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникацияларининг жойлашиш ўрни, табиий ва сунъий сув ҳавзалари, ариқлар, каналлар ва бошқалари тўғрисидаги маълумотлар банкни яратиш зарур ҳисобланади.